



## МУНДАРИЖА:

<b>Усманов М.Ш.</b>	<i>Барқарор ривожланиш мақсадлари ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш</i>	4
<b>Абдураманов Х.Х.</b>	<i>Ўзбекистонда демографик дивиденднинг шаклланиши ва ундан самарали фойдаланиш йўллари</i>	7
<b>Ахмедов Э.К.</b>	<i>Янги Ўзбекистондаги модернизациялаш жараёнларида бағрикенгликни таъминлаш</i>	12
<b>Шоимов А.Р.</b>	<i>Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалалари</i>	16
<b>Юлдашев А.Э.</b>	<i>Жадидчилик ҳаракатида давлат фуқаролик хизмати масаласи</i>	20
<b>Хусанов Б.Э.</b>	<i>Инсон - эстетик тарбиянинг асосий омили</i>	24
<b>Исламходжаев Х.С.</b>	<i>Административное право в системе публичного и частного права.</i>	28
<b>Жиянмуратова Г.Ш.</b>	<i>Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари</i>	35
<b>Teshaboev M.M.</b>	<i>Ijtimoiy adolat va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish tamoyillari</i>	39
<b>Исмаилов Ж.Ж.</b>	<i>«Мягкие» стратегии противодействия радикализации общества: опыт зарубежных стран</i>	43
<b>Ихтиёров М.Р.</b>	<i>Телевидениенг жамоатчилик фикрини шакллантиришидаги ижтимоий-фалсафий омиллари</i>	47
<b>Мажидов Ш.А.</b>	<i>Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар тушунчасининг назарий масалалари</i>	51
<b>Турабова С.К.</b>	<i>Илмий баҳс – долзарб ижтимоий масалаларни ҳал этишининг мантиқий-эпистемик асоси</i>	55
<b>Иззатуллаев Б.И.</b>	<i>Ақш ташқи сиёсатида рақамли дипломатия тараққиётининг асосий босқичлари</i>	60
<b>Ўлмасхўжаев З.А.</b>	<i>“Давлат ва миллий хавфсизлик” тамойилини илмий тадқиқ этишининг назарий шарт шароитлари</i>	65
<b>Насимов А.А.</b>	<i>Ахборотлашган жамиятда ахлоқий қадриятларнинг ахборот хуружларини олдини олишидаги ўрни</i>	70
<b>Мардиева М.</b>	<i>Тилнинг жамиятдаги муҳим ўрни</i>	75
<b>Маҳкамов Қ.</b>	<i>Тарихий онг - миллий ижтимоий хотирани ривожлантириши омили</i>	79
<b>Тургунова Н.Т.</b>	<i>Ёшлар сиёсатини амалга оширувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги</i>	83
<b>Абдиев Ғ.Е.</b>	<i>Янги Ўзбекистон ёшлари сиёсий онгини юксалтириши</i>	88
<b>Камилов Ф.О.</b>	<i>Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича хориж тажрибаси</i>	93
<b>Усенов Ж.</b>	<i>Ёшларнинг миллий менталитетини шакллантиришида маънавий мероснинг аҳамияти</i>	98
<b>Азамова М.</b>	<i>История развития национальных видов спорта</i>	103
<b>Утемуратова С.Ш.</b>	<i>Экологияни жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш</i>	107
<b>Ташаев Л.А.</b>	<i>Ёшлар билан ишлашда ахлоқий идентикликнинг назарий-методологик тахлили</i>	111
<b>Расулов Р.</b>	<i>Ёшлар билан ишлашда тарбиянинг мафқурафий асослари.</i>	116
<b>Хусанов Ғ.Е.</b>	<i>Оиланинг маънавий-ахлоқий қадриятларни ривожлантиришидаги</i>	121

	<i>фалсафий негизлари</i>	
<b>Таирова Г.М.</b>	<i>Жинойят содир этилишининг сабабларига доир макро-социологик таълимотлар</i>	125
<b>Абдуллаев Ж.А.</b>	<i>Азизиддин Насафийнинг инсон келиб чиқиши ва абадий қайтиши масаласи ҳақидаги қарашлари</i>	130
<b>Исламходжаева М.А.</b>	<i>Сравнительный анализ защиты прав молодежи в зарубежных странах.</i>	135
<b>Турғунбоев Ж.Ж.</b>	<i>“Ақл марказ”ларини тадқиқ этишининг назарий- концептуал асослари</i>	138
<b>Бутоев И.У.</b>	<i>Соғлом турмуш тарзининг шаклланишида тарихий маънавий мероснинг ўрни</i>	143
<b>Ҳожиев Р.Б.</b>	<i>Креативлик феноменининг генезиси ва шаклланиши</i>	148
<b>Абдуллаев И.А.</b>	<i>Ёшлар ахлоқий маданиятини шакллантиришида умуминсоний маънавий мероснинг ўрни</i>	152
<b>Нуруллаева Дж.С.</b>	<i>Правовые аспекты управления международным спортивным движением</i>	157
<b>Аметов А.Қ.</b>	<i>Миллий маънавий қадриятлар – инсон қадрини улуғлаш омили</i>	162
<b>Расулов Ҳ.М.</b>	<i>Сиёсий жараёнларда сиёсий маданиятнинг намоён бўлиши хусусиятлари</i>	166
<b>Мирджамалова Н.З.</b>	<i>Хотин-қизларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришининг педагогик асослари</i>	170
<b>Улфатиллаева С.С.</b>	<i>Ҳадис илми классификацияси</i>	175
<b>Равшанов А.С.</b>	<i>Баркамол авлодни тарбиялашда маънавият ва миллий қадриятларни ўрни</i>	180
<b>Акилова Ў.М.</b>	<i>Маърифатли жамият барпо этишининг маънавий омиллари</i>	185
<b>Равшанова Г.А.</b>	<i>Ўзбекистоннинг янгиланиши жараёнида фуқаролик жамиятини ривожлантиришида адолатли давлат зоясининг маънавий омиллари</i>	189
<b>Алимухамевова Н.Я.</b>	<i>Глобал интеграция жараёнларида маданиятлар хилма-хиллигини сақлаш масаласи</i>	193
<b>Ботирова Ҳ.Э.</b>	<i>Жанубий вилоятларда аграр соҳа ходимларининг маиший турмуши ва ижтимоий ҳимоялаш масалалари</i>	197
<b>Мамадаминова Б. А.</b>	<i>Ўрта асрларда ирригация тизимларининг ривожланиши ва тарихи</i>	202
<b>Ҳакимова М.А.</b>	<i>Ўзбекистон тараққиёти ва ёшлар маънавияти</i>	206
<b>Ҳамраев С.</b>	<i>Мулкдорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-фалсафий мазмуни</i>	211
<b>Қиём Назаров</b>	<i>Маънавият илми дарғаси</i>	215

**БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА МАЪНАВИЯТ ВА МИЛЛИЙ  
ҚАДРИЯТЛАРНИ ЎРНИ****А.С.Равшанов –***сиёсий фанлари**бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Бугун тараққиёт йўлидан изчил боришимизда, эзгу мақсадларни амалга оширишда замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган иймон- эътиқодли ёшларни шакллантириш давлат сиёсатида асосий вазифа ҳисобланади.

“Инсонга хос орзу интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган кушнинг икки канотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади” [1]

Инсон жамиятда муайян мақсад-мудаосиз яшай олмайди. Ҳар бир инсон ўзининг келажагини бирор-бир мақсад шаклида олдиндан тасаввур қила олмаса, унинг бунёдкорлик ҳаракати сусаяди, натижада инсоннинг кайфиятини тушқунлик, фаолиятини эса бепарволик, лоқайдлик ва дахлсизлик каби иллатлар эгаллаб олади. Шу маънода маънавий етуклик ҳам шахсга жамиятда ўз ўрнига ва муайян ижтимоий мавқега эга бўлиб яшаши учун йўналтирувчи ғоялар, тушунчалар ва ахлоқий қарашлар тизимини тақдим этади.

Маънавий етуклик шахснинг онги, тафаккури, идроки, ҳиссий дунёси умуман, маънавий (ички) оламида шакллансада, лекин у муайян жамиятнинг маънавий даражаси учун ижтимоий эҳтиёжлар, талаблар ва заруриятлар сифатида пайдо бўлади. Шу маънода ҳар бир жамиятда даврий ва умумий маънавий идеаллар юзага келади. Даврий маънавий идеаллар бир жамиятнинг эҳтиёжларини рўёбга чиқарса, умумий маънавий идеаллар эса барча жамиятга хос бўлади. Масалан, ҳозирги жамиятимиз учун инсоннинг соғлом эътиқодга эга бўлиши долзарб маънавий етуклик ҳисобланса, инсон қадрини сақлаш эса умумий маънавий идеалга хос бўлган ғоядир.

Буюк алломаларимиздан бири Форобий фозил инсон қуйидаги ўн икки фазилатга эга бўлишини уқтиради.

- Тўрт мучали соғлом бўлиши.
- Фаросатли бўлиши.
- Хотираси кучли бўлиши.
- Заковатли бўлиши.
- Нотик бўлиши.
- Билимли бўлиши.
- Барча нарсадан кўзи тўқ бўлиши.
- Хақгўй ва одил бўлиши.
- Донишманд ва ориятли бўлиши.
- Нафсини енга оладиган бўлиши.
- Адолатпарвар бўлиши.
- Қатъий ҳукмли бўлиши[2].

Бундай фазилатларга эга шахс инсонийликни суистэмол қилмайди. Чунки бу туйғу унинг фозил шахс бўлиб етишишига олиб келади. Айни пайтда, Форобий бундай фазилатларнинг барчасини мужассам этган одамни топиш баъзида мушкул бўлишини таъкидлайди ва шундай ҳолатда ушбу фазилатларнинг “беш-олтитаси бўлган инсонни етук деб ҳисоблаш мумкин”лигини айтади.

Ёшларнинг комил инсон бўлиши, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириши каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини, нафақат, чуқур англаши, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиши, уларга амал қилиб яшаши уларнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезонларидир.

Инсон маънавий етуклиги ҳақида гапирилганда буюк ижодкор олим Озод Шарафиддинов ўз сабоқларида шундай деган эди. “Ҳеч қаерда ҳеч қайси инсонлар жамияти фақат моддий манфаатларга суянибгина, фақат моддий эҳтиёжларини қондирибгина ҳаёт кечира олмайди-инсон ҳаётининг саодатли бўлмоғи учун виждон ва иймон унинг ҳаётида устувор бўлмоғи керак”[3].

- Инсонни инсон қиладиган, жамиятни жамият қиладиган қудрат виждон, инсоф, диёнат, адолат ва ҳақиқатнинг барқарорлиги.

- Зиёли ўзини халқнинг узвий қисми деб ҳисобламоғи, халққа қарши бўхтонларни рад этмоғи, халқнинг маънавий бойлигининг посбони бўлмоғи лозим.

Мисоллардан кўринадики, инсонпарварлик – умуминсоний кадрятлар сирасига киради. Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим омил таълим-тарбия тизими бўлиб, бу ҳақда Биринчи Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай деган эди. “Албатта, таълим - тарбия - онг махсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни ёшларнинг маънавиятини шакллантирадиган ва бойтадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди”.

“Энг муҳими, юртимизда моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб тарзда ривожлантирилаётгани сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда”[1] деган эдилар.

Ҳозирги кунда энг муҳим вазифалардан бири баркамол шахс тарбияси бўлгани учун ёш авлодни маънавий жиҳатдан тарбиялаш муаммосининг долзарблиги ва аҳамияти ортиб бормоқда. Маънавий баркамол ёшларни тарбиялаб вояга етказиш давр талаблари асосида юзага келган, сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тараққиётимиз тақдири билан узвий алоқадорликка бўлган улуғвор, масъулиятли, давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа эканини куйидагича баён этиш мумкин:

*Биринчидан*, Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишини маданиятли, маънавиятли, юксак одоб-ахлоқли, ўз халқи, миллати, Ватанини бутун вужуди ила севиб - ардоқлайдиган, ажодлари яратган бебаҳо илму-ҳунар жавоҳирларини имкон қадар мукамалроқ эгаллаб олган, бутун инсониятга хос кадрятлардан баҳраманд, бохабар бўлган комил инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

*Иккинчидан*, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири – янгича, замонавий фикрловчи, иймон-этиқоди мустаҳкам, мустақиллик йилларида шакланган тафаккур ва дунёқарашга эга бўлган, мустақиллик маънавияти асосларини мукамал ўзлаштириб олган баркамол авлодни, камолотга эришган инсонларни шакллантиришдан иборатдир.

*Учинчидан*, жамиятимиз тараққиётининг пойдевори бўлган баркамол авлод ва камолотга етган инсонлар порахўрлик, ўғрилик, товламачилик, фирибгарлик, вазифани суиистёмол қилиш каби ярамас иллатларнинг олдини олиш, ижтимоий адолат қарор топишини таъминлашнинг муҳим ва зарур омилларидан бўлиб ҳисобланади.

Баркамол шахс бўлиб шаклланиш Ўзбекистон таълим тизими доирасида, унинг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими босқичи учун, баркамол шахс моделини жорий этишнинг барча йўналишларини ўзига қамраб олган тарзда олиб борилишини тақозо этади.

Ёш авлодни баркамол шахс қилиб шакллантириш ғояси жамият тараққиётининг мавжуд босқичида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашдан иборат. Ушбу ижтимоий буюртмани тўлақонли бажариш узлуксиз тарбия тизими мазмунида куйидаги асосий таркибий қисмларини акс этишини тақозо қилмоқда: баркамол шахснинг сиёсий, ҳуқуқий (фуқаролик) билим ва маданият, мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик, динлар ҳақида билим ва маданият, экологик билим, касбий маҳорат, соғлом ҳаёт тарзи ва жисмоний маданият, шахснинг маънавий баркамоллик даражасидаги камолоти, педагогик,

психологик билим ва малакалар, иқтисодий билим ҳамда бошқа жиҳатларнинг барчасини ўз мазмунига қараб қамраб олиши зарур.

Бу борадаги яна долзарб вазифалар:

– мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар билан боғлиқ жараёнларнинг, улкан бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳиятини ўқувчиларимиз ва талабаларимизга содда ва лўнда қилиб тизимли тарзда мудом тушунтириб бориш, уларни ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қурилишининг фаол бунёдкорларига айлантиришдан иборат;

– миллий манфаатларимизга зид бўлган зарарли ғоялар, турли таҳдидлар ва хуружларнинг мақсад муддаоларини аниқлаш, уларнинг ёшларимизга таъсирини чуқур ўрганиш ва шу асосда маънавияти юксак авлодни тарбиялаш;

– ёш авлод қалби ва онгида юксак маънавият тамойиллари ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган замонавий инновацион технологиялар, интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини ривожлантириш борасида шу соҳадаги адабиётлар ва дарсликларни янада кўпайтиришга зарурат пайдо бўлганида кўринади.

Инсон барча нарсаларни яратади, яратган нарсаларини ўзига бўйсундиради. Истаса алмаштиради, истамаса йўқ. Уни яратаётганда адашиш мумкин, аммо кеч бўлсада хатони тўғирлаши, қўйингки бузиб ташлаб, қайтадан қуриши мумкин. Энг асосийси, унинг тизгини инсон қўлида бўлади. Лекин жамиятда инсон истагандек бўлмайдиган, бўлдира олмайдиган нарсалар ҳам бор. Бу ёшлар тарбиясидир. Ёшлар тарбиясида умуман, тарбияда хато қилиш у ёқда турсин, ҳаттоки танафус ҳам бўлмайди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев ҳам ушбу масаланинг долзарблигини қуйидагича асослаган эди: “маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган ХХИ асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда”[4].

Ўзбек оилаларидаги ота-она ва фарзанд ўртасидаги бурч ва маъсулият тушунчалари шарқона менталитет бўлиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолмоқда. Бу улкан ҳазина, буюк мерос: ахлоқий меъёрлар билан йўғрилган ҳуқуқий қадриятлардир. Кишилиқ жамияти пайдо бўлибдики, у билан боғлиқ қадриятлар ҳам пайдо бўлади. “Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар ҳисобланади”[5]. Тарихда кишилиқ жамиятининг ажралмас бўлаги ҳисобланган оилада ўзига ҳос қадриятлар тизими шаклланган ана шундай қадриятлар оилавий муносабатларни тартибга солиб турган.

Қадимги шарқ давлатлари ҳуқуқий қадриятларнинг тарихий ўчоқлари ҳисобланади. Шарқда давлат ҳуқуқ ва шу жумладан, ҳуқуқий қадриятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ўзига ҳос хусусиятлари ҳамжиҳатлик ғояси ва жамоатчилик фикрини устунлиги билан ифодаланади. Шарқда маънавий-ахлоқий қадриятлар сиёсий муносабатлардан устун турган. Дастлаб у қадриятлар ҳуқуқий қадрият кўринишида бўлмасада, ахлоқий қадриятларнинг бурч ва маъсулият масалалари тарзида намоён бўлди. Давр ўтиши билан ўзига ҳос бир маданият вужудга келди. Бу маданият ахлоқий қадриятлардан алоҳида бир тизим бўлиб ажраб чиққан ҳуқуқий қадриятлар тизимидир. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг туб илдизи ҳисобланган ҳуқуқий қадриятлар замон ва макон ўзгаришига пропорционал тарзда бугунги кунимизгача ўзгармасдан, миллий маънавий мерос сифатида ўз салмоғини сақлаб қола олди. Тўғри, айтиш мумкин тарихда қанчадан-қанча сиёсий бўҳронлар юз берган. Ана шундай бир вазиятда ҳуқуқий-миллий қадриятларнинг бизгача етиб келганлиги диққатга сазовордир. Албатта бирон-бир тарихий жараён янги давр ва замон шароитига беками-кўст етиб келишига кимдир ё нимадир сабабчи бўлади. Лекин шу даражада туркий халқ этник маданиятига сингиб кетган ҳуқуқий қадриятларнинг алоҳида бир тизими сифатида умумиллий қадриятлардан сақланиб етиб келишига буюк сиймоларимизнинг ҳиссалари катта.

Миллий қадриятлар мавзуси кўҳна ва навкирон шарқ, унинг таркибий қисми бўлган Марказий Осиё ва Ўзбекистон мутафаккирлари ҳамда олимлари учун ҳам бегона эмас, қадриятшунослик тарихининг энг теран жиҳатларини фақат Ғарбдан эмас, балки Шарқдан кидириш керак. *Абу Райхон Беруний* [6], *Абу Али ибн Сино* [7], *Ал-Бухорий* [8], *Ат-Термизий* [9], *Яссавий* [10], *Навоий* [11], *Мирзо Улуғбек* [12], *Бехбудий* [13], *Авлоний* [14] каби мутафаккир ва олимларнинг ижодида ҳам бу мавзунинг излари бор. Гап ана шу изларни кидириб топишда, уларни унутмасликда янгилаб туришда, замона реалликлари нуктаи назаридан ҳолисона талқин қилишдадир.

Тарбия маълум бир маданиятни шаклланишига сабаб бўлади. Шу сабабдан бирон-бир тартибли оилани яъни бирон-бир инсонни кўрсак, “маданиятли” экан деб баҳо берамиз. Ваҳоланки инсон маданиятли бўлиб туғилмайди. Унинг ижобий ҳислатлари оилада шаклланади. Демак, маданиятли оиланинг фарзандлари ҳам албатта маданиятли бўлишади.

- маданиятли киши ҳар бир ишга хоҳ у давлат иши бўлсин, хоҳ шахсий иши бўлсин, барча-барчасига бир ҳил ишчанлик кайфияти билан ёндашади;

- маданиятли киши маълум бир мамлакатга тегишли эканлигини ҳис қилиб туради ва ушбу мамлакат учун борини аямайди;

- маданиятли киши жамият аъзоларига бир ҳил тенглик тамойили асосида муносабатда бўлади;

- маданиятли киши ота-онасига севимли фарзанд, фарзандларига гўзал хулқли ота, рафиқасига суюкли ёр, дардкашга ҳамдард, ё-у биродарларга ажойиб дўст бўлади.

Энг асосийси маданиятли киши жамиятнинг бири бўлган оиланинг таянчи, оила тарбиясида доимий таъсирчан куч, оилавий тартиб, яъни оила аъзоларининг бир-бирларига муносабати, ота-она ва бошқа катта ёшли қариндошларнинг хулқ-атвори, маданий ва сиёсий савияси, муомила маданияти, оиланинг даромади, яшаш шароити ва шу каби омиллардан бир ҳил хабардор бўлади.

Ота-она ва ёшлар ўртасидаги бу олийжаноб туйғулар бизнинг, яъни ўзбек халқининг онгимизга, шууримизга бошқалар томонидан сингдирилган эмас, балки шонли тарихимизнинг бизларга берган туҳфасидир. Бу каби улуғвор қадриятларимиз тундан кунга, кечадан бугунга қўйингки аждодлардан авлодларга ўтиб, замонаи зайлимизга етиб келаётган, 3000 йиллик тарихга эга бўлган буюк ўзбек халқи геномининг битмас-туганмас талабидир. Бу қадрият ўзбек халқи геномининг талаби бўлибгина қолмай, ҳаттоки шартли рефлексга ҳам айланиб улгурди. Юқорида айтганимиздек, бурч ва маъсулият категориялари ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдирилган эмас, бу аждод-авлод алмашинувида юзага келадиган ҳуқуқий қадриятлардир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган самарали ишлар жараёнида ёшларнинг маънавиятини, ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши уларнинг қонунга бўлган ҳурматини янада такомиллаштириш ҳар бир шахснинг жамият олдидаги ўз бурч ва мажбуриятларини оғишмай бажаришга имкон яратади. Худди шунингдек, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда уни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ҳам ўз навбатида талабчанликни оширади. Ҳуқуқий саводхонликни ёшлиқдан бошлаб ошириб бориш: ор-номус, кадр-қиммат, инсонпарварлик каби хусусиятларни тарбиялашга кўмаклашади. Бу борада “Ўзбекистон ёшларининг замон билан ҳамнафас бўлиб, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларидаги тенгдошлари билан самарали мулоқот, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиши ғоят муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз”.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини қураётган эканмиз, энг аввало биз, мустақил ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёшларимиздан тортиб, катта ёшли юртдошларимизнинг маънавиятини, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришимиз ҳамда миллий ғоя руҳи билан қуроллантиришимиз зарур бўлади. Зеро, маънавият, ҳуқуқий маданият юксалган жойда

ўзаро ҳурмат, тенглик, тинчлик ва бирдамлик каби улуғвор ғоялар халқнинг асосий шиорига айланади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. И.А. Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч”, Тошкент., 2008 йил., 67 бет.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Янги аср авлоди. ИСБН: 978-9943-27-613-0. 2016 йил
3. О.Шарафиддинов. Ижодни англаш баҳти. Т.: “Шарқ” нашриёти, 2004. - 640 б.
4. Ш.М. Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2017. 504-б
5. Фалсафа қомусий луғат. Т.: Шарқ, 2004. 476-б.
6. Абу Райхон Беруний. Абу Райхон Беруний, танланган асарлар. Фан, 1968 458-б.
7. [Абу Али ибн Сино](#). Мен англаган дунё. Т.: “Шарқ”, 2015. 272-б.
8. [Усмонхон хожи Темурхон ўғли](#). Имом ал-Бухорий – муҳаддислар султони. Энциклопедия, 2004. 112-б.
9. [Ал-Ҳаким ат-Термизий](#). Валийлар ҳаёт йўли. Сийрат ал-авлиё. Ношир, 2016. 232-б
10. [А. Яссавий](#). Девони ҳикмат. Т.: Наврўз, 2018. 360-б. Номер ИСБН: 978-9943-381-42-1
11. А. Навоий. Алишер Навоий (Тўла асарлар тўплами) - 1 жилд. Т.: “[Ғафур Ғулом](#)”, 2013. 804-б. Номер ИСБН: 978-9943-03-349-8
12. [М. Улугбек](#). Тўрт улус тарихи. “[Чўлпон](#)”, 1993. 224-б. Номер ИСБН: 5-8250-0315-5
13. Махмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. “Маънавият”, 2006. 280-б.
14. [Абдулла Авлоний](#). Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. “Ёшлар нашриёт уйи”, 2018. 97-б. Номер ИСБН: 978-9943-5318-1-9

#### РЕЗЮМЕ:

Мақолада ёш авлоднинг камол топиши, ривожланиши, уларнинг дунёкараши, тафаккури мамлакат ҳаётига, янгиланишларга мос равишда ўзгариб бориши маънавият ва ҳуқуқий маданият билан чамбарчас боғлиқлиги кўрсатиб берилган. Шунингдек, бу борадаги муаммоларга тўхталиб ўтилган ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва ечимлар берилган.

**Калит сўзлар:** комил инсон, маънавият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий қадрият, ахлоқ, тарбия, ҳуқуқий маданият, мафкуравий иммунитет.

#### РЕЗЮМЕ:

В статье показано, что взросление и развитие молодого поколения, его мировоззрение, мышление меняются в соответствии с жизнью и обновлениями страны, тесно связаны с духовностью и правовой культурой. Также были обсуждены проблемы в этой связи и даны предложения и решения по их устранению.

**Ключевые слова:** совершенный человек, духовность, правосознание, правовая ценность, нравственность, образование, правовая культура, идеологический иммунитет.

#### RESUME:

In this article, we focused on the analysis of religious values, sunnah, and hadiths, not simply ethics, manners, equal rights, etc. We explained that the hadiths reflect the life and activities of the Prophet Muhammad, as well as his various opinions, instructions and attitudes on religious, philosophical, moral and educational topics in different situations.

**Key words:** historical value, religious freedom, hadith, culture, enlightenment.